

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
Х У К М

2022 йил декабрь ойининг 16 куни, жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар суди, очиқ сайёр суд мажлисида, Ангрен шаҳар «8-Март» м.ф.й. биносиди,

Раислик қилувчи судья: Б.Эсанбаев,

судья ёрдамчиси С.Курбонбекованинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси, Ангрен шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Д.Хонниёзов, судланувчилар Б.Турматов ва Дж.Маханов ҳамда жабрланувчилар Ш.Нуриддинов ва Ф.Нишановларни иштирокида, Турматов Бунёд Толопчонович ва Маханов Джалолиддин Камилбаевичга оид 1-1104-2202/474 - сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Турматов Бунёд Толопчонович (TURMATOV BUNYOD TOLOPCHONOVICH)- 1983 йил 30 август куни Тошкент вилояти, Ангрен шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, икки нафар фарзанди бор, “Ўзбеккўмир” АЖда ошпаз бўлиб ишлайди, муқаддам судланмаган, Ангрен шаҳар 8-Март м.ф.й, Туркистон кўчаси 105А-уйда доимий рўйхатда туриб, Ангрен шаҳар, Навоий кўчаси 1-уй, 13-хонадонда яшовчи, иш бўйича “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2022 йил 25 октябрь куни олган.

Маханов Джалолиддин Камилбаевич (МАХАНОВ ДЖАЛОЛИДДН КАМИЛБАҒЕВИЧ) - 1985 йил 10 июнь куни Тошкент вилояти Ангрен шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти тугалланмаган олий, ҳозирда Наманган Давлат муҳандислик университети 2-босқич талабаси, муқаддам судланмаган, оилали, икки нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, Ангрен шаҳар 8-Март м.ф.й, Туркистон кўчаси 89-уйда яшайди, иш бўйича “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2022 йил 25 октябрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан айбланган.

Суд, судланувчилар ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Турматов Бунёд Толопчонович 2022 йил 11 сентябрь куни соат тахминан 21-30 да, жамоат жойи бўлган Ангрен шаҳар, “Озодлик” м.ф.й, Хоразм кўчасида жойлашган “Океан” кафеси ёнида жамиятда юриш-туриш қоидалари қасддан менсимасдан Маханов Джалолиддин Камилбаевич билан бир гуруҳ бўлиб, спиртли ичимлик истеъмол қилиб, Нишанов Фаррух Фарходович ва Нуриддинов Шавкат Ҳамидулла ўғли билан жанжаллашиб, ўзи Ф.Нишановнинг



юз қисмига бир неча марта уриб, жиноий шериги Д.Маханов фуқаро Ш.Нуриддиновнинг юз қисмига бир марта уриб, тан жароҳати етказган.

Ўтказилган судга оид тиббий экспертизанинг 20.09.2022 йилдаги 1243-сонли хулосасида жабрланувчи Ф.Нишоновга “ўртача оғир тан жароҳати” етказилганлиги аниқланган.

Ўтказилган судга оид тиббий экспертизасининг 06.10.2022 йилдаги 1312-сонли хулосасида Ш.Нуриддиновга “соғлиқнинг қисқа муддатга бузулишига олиб келмаган енгил тан жароҳати” етказилганлиги аниқланган.

Судланувчи Турматов Бунёд Толопчинович суд мажлисида, айбига тўлиқ иқроор бўлиб, 2022 йил 11 сентябрь куни соат тахминан 10-00 да таниши Маханов Жалолиддин уйига, яъни Ангрен шаҳар, Навоий кўчаси, 1-уй, 13-хонадонига келганлигини, сабаби у шу куни уйини таъмирлашга хашар қилаётган бўлганлигини, у, Жалолиддин уйда кеч соат 18-30 гача ишлаганлигини, соат тахминан 18-30 да ҳамкасби Адхам ака 0,7 литр ароқ билан уйига келганлигини, бирга шу ароқни ичганлигини, соат тахминан 20-30 да, уйдан чиқиб, йўловчи таксида “Океан” кафесига борганлигини, у ерда 2 тадан 0,5 литрли разливной пиво ичганлигини, овқатланганлигини, иккинчи марта олиб келинган пивони ичишга улгурмаганлигини, кейинчалик исми унга аниқ бўлган, Шавкат ва Фаррух исмли болалар Адхам акани ёнига келиб, у билан нималардир ҳақида гаплашганлигини, кафе шовқин, мусиқа кўйилганлиги учун нима ҳақида гаплашганлигини эслай олмаслигини, Адхам ака Фаррухга 0,5 литрли 1 та разливной пиво олиб берганлигини, Шавкат бир оз мусиқага ўйнаб келганлигини, кейин Фаррух уларни ёнига келиб ўтирганлигини, у унга ўзини столига бориб ўтиришини айтганлигини, шунда у унга “сенга нима” деб гап қайтариб, уни жаҳлини чиқарганлигини, у аввалига индамаганлигини, у, Адхам ака ва Жалолиддин кафедан ташқарига чиққанида улар ҳам чиқиб келганлигини, ташқарида Фаррух яна унга гап қайтариб, уни урмоқчи бўлганлигини, ўзаро жанжаллашиб кетганлигини, шунда Адхам ака уларни ажратишга ҳаракат қилганлигини, шунда у Фаррухни эслашча 1-2 марта юзига уриб, йиқитганлигини, шунда Шавкат ҳам уни урмоқчи бўлиб келаётганда, Жалолиддин уни юзига бир марта уриб, уни ҳам ерга йиқитганлигини, шундан сўнг уларни ўзига келтириб, сув сепиб, ўрнидан тургизиб, улардан кечирим сўраб, уларни уйларига жўнатиб юборганлигини, шундан сўнг у ҳам уйга кетганлигини, шу билан уни бугун ИИБ ходимлари чақиртирганлигини, унга кўрсатилган видео тасвирдаги Фаррухни у, Шавкатни Жалолиддин уриб, йиқитганлигини кўрганлигини, жанжал Фаррухни ўзбошимчалик билан уларни орасига келиб қўшилиб, унга гап қайтаргани ҳамда барчаси, маст ҳолда бўлганлиги сабаб бўлганлигини, жанжал давомида Шавкатнинг REALMI C 11 русумли уяли алоқа телефони кўрмаганлигини телефондан фойдаланаётганини ҳам кўрмаганлигини, ҳозирда қилмишидан пушаймондалигини кўрсатиб, суддан уни оилавий шароитини, икки нафар фарзандлари борлигини инобатга олиб енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Маханов Джалолиддин Камилбаевич суд мажлисида, айбига тўлиқ иқроор бўлиб, у 2022 йил 11 сентябрь куни соат тахминан 10-00 да таниши Турматов Бунёднинг уйига, яъни Ангрен шаҳар, Навоий кўчаси, 1-уй, 13-хонадонга борганлигини, сабаби Бунёд шу куни уйини таъмирлашга хашар қилаётганлигини, у ва Бунёд уни уйда кеч соат 18-30 гача ишлаганлигини, соат



тахминан 18-30 да Бунёднинг ҳамкасби Адхам ака 0,7 литр ароқ билан уни уйига келганлигини, бирга шу ароқни ичганлигини, соат тахминан 20-30 да, Бунёднинг уйдан чиқиб, йўловчи таксида “Океан” кафесига борганлигини, у ерда 2 тадан 0,5 литрли разливной пиво ичганлигини, овқатланганлигини, иккинчи марта олиб келинган пивони ичишга улгурмаганлигини, кейинчалик исми унга аниқ бўлган Шавкат ва Фаррух исмли болалар Адхам акани ёнига келиб, у билан нималардир ҳақида гаплашганлигини, кафе шовкин, мусиқа қўйилганлиги учун нима ҳақида гаплашганини эслай олмаслигини, шундан сўнг улар Бунёд ва Адхам ака билан гап таллашиб қолганлигини, кейин улар ташқарига чиққанлигини, ташқарида Фаррух ва Шавкат Бунёд билан ўзаро жанжаллашиб кетганлигини, шунда Адхам ака уларни ажратишга ҳаракат қилганлигини, шунда Бунёд Фаррухни эслашича бир марта юзига уриб, йиқитганлигини, шунда Шавкат Бунёдга ташланмоқчи бўлганда, у ҳам уни юзига бир марта уриб, ерга йиқитганлигини, шундан сўнг уларни ўзига келтириб, сув сепиб, ўрнидан тургизиб, улардан кечирим сўраб, уларни уйларига жўнатиб юборганлигини, шундан сўнг у ҳам уйга кетганлигини, шу билан уни бугун ИИБ ходимлари чақиртираётганини айтишганлигини, унга кўрсатилган видео тасвирдаги Шавкатни бир мушт уриб, йиқитган бола ўзилигини, Шавкатни уришига сабаб Шавкат Бунёд Фаррухни уриб йиқитгандан сўнг уни уриш мақсадида ташланмоқчи бўлганлигини, шу сабаб уни уриб йиқитганлигини, жанжал нимадан бошланганини билмаслигини, сабаби улар ичкарида шовқинда ўзаро гаплашишганлигини, жанжал давомида Шавкатнинг REALMI C 11 русумли уяли алоқа телефонини кўрмаганлигинини телефондан фойдаланаётганини ҳам кўрмаганлигини, ҳозирда қилмишидан пушаймондалигини кўрсатиб, суддан уни оилавий шароитини, икки нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини инобатга олиб енгиллик беришни сўради.

Суд мажлисида жабрланувчи Нуриддинов Шавкат Хамидулла ўғли судга, у Нишанов Фаррухни бирга Ангрен шаҳри, 5/3 даҳасидаги шлокоблок ишлаб чиқариш цехида бирга ишлаб юрганлиги сабабли уни яхши танишини, у билан иккиси дам олиш кунларида кафега бирга бориб, спиртли ичимлик ичиб дам олганлигини, 2022 йил 11 сентябрь куни Ф.Нишановнинг Ангрен шаҳар, Дукент кўрғонидаги яшаш хонадонига бориб, у ерда қолганлигини, 12 сентябрь куни соат тахминан 09:00 ларда уйғонганлигини, юз қўлини ювиб, нонушта қилганлигини, унинг уйда тушликка қадар бўлиб, тушлик қилиб, Фаррух билан биргаликда Ангрен шаҳрида жойлашган “Океан” кафесига борганлигини, кафега кирганда, ўнг томондаги охиридан битта олдинги стулга ўтирганлигини, у ерда иккиси спиртли ичимликдан “разливной пиво” ичиб гаплашиб ўтирганлигини, соат тахминан 17:00 ларда кейинчалик исми унга маълум бўлган Турматов Бунёд ўзининг икки нафар шериги билан кириб келиб, уларнинг қаторидаги 2 ёки 3 стулга ўтиришганлигини, улар келган вақти унга маст ҳолатда кўринганлигини, келгандан сўнг улар ххм спиртли ичимлик ичиб ўтирганлигини, ўзининг телефонида интернетга кириб кўриб, у бу нарсаларни кўриб турганлигини, Бунёд шериклари билан келганидан сўнг, Фаррух уларни орасида таниши борлигини айтиб, бир неча маротаба уларнинг олдига бориб келганлигини, охирги маротаба борганида, уларнинг орасидаги исми унга маълум бўлмаган бола билан тортишиб, бир-бири билан сўкишиб қолганлигини, иккиси бирга бир уришмоқчи бўлиб, иккаласи ҳам ўрнидан туриб, уришмоқчи



бўлишганида, Фаррухнинг таниши исми унга кейинчалик маълум бўлган, Уралов Адхам келиб у иккисини ажратмоқчи бўлганлигини, у Фаррухни олдига бориб, уни олиб ўзлари ўтирган столга олиб бориб, ўтиргизганлигини, лекин қора рангли футболкадаги бола орқасига қараб, гапирганидан сўнг Фаррух туриб, унинг олдига бормоқчи бўлганлигини, лекин у уни олиб келиб жойига ўтиргизганлигини, бу ҳолат бир неча маротаба қайтарилганлигини, соат тахминан 21:00 ларда у вақт кеч бўлиб қолгани сабабли уйга кетиши кераклиги туфайли еган ичганларини уни номига қарзга ёздириб, у ердан чиқиб ташқарига чиққан вақтида у Бунёд ва унинг шерикларини кўриб қолганлигини, у ерда Фаррух билан қора рангли футболка кийиб олган шахс бир бирга қарата ҳақоратомуз сўзлар билан бақириб ҳаммани олдида ҳақорат қилганлигини, Адхам ака уларни ажаратиб турганлигини, у шу куни кўп миқдорда спиртли ичганлиги сабабли ўша куни ташқарида нима бўлганини эслай олмаслигини, орадан бир неча вақт ўтгандан сўнг, кимдир телефон деган гапларни гапирганлигини, у нима бўлаётганини тушунмай қолганлигини, ўрнидан туриб, телефони йўқлигини билганлигини, у телефонини ким олганини айтиб, қидирганлигини, шунда йўлда ўтиб кетаётган такси унга эртага қидирасан деб айтиб, машинасига Фаррух иккисини ўтиргизганлигини, ушбу таксида биринчи Оппартак м.ф.й.га бориб Фаррухнинг уйини дарвозасини олдига ташлаганлигини, хотини кутиб олганлигини, шуни уйига ташлаганидан сўнг, ўзининг уйига ушбу таксида кетганлигини, уйга келиб, ювиниб ухламоқчи бўлган вақтида, унга Ангрен шаҳар, тез тиббий ёрдамдан қўнғироқ қилиб “Нишанов Фаррухни қаерга ташлаб кетдингиз?, гапира олмаётганлигини, аҳволи оғир қаерга ташлаб кетганингизни бизга кўрсатинг” деганлигини, у уларга кўрсатиб беришини айтиб кийимларни алмаштириб, кўчага чиққан вақти, унга тез ёрдамдан қўнғироқ қилиб, Фаррухни Марказий шифохонага олиб келишганини айтишганлигини, Марказий шифохонага бориб, уни кўрган вақтида, у гапира олмас, қоши ёрилган ҳолатда бўлганлигини, шифокорлар унинг бурни қийшайганини, пешонаси ёрилганлиги сабабли унга ёрдам беришни айтишганлигини, улар унга тиббий ёрдам кўрсатишганлигини, нима бўлганини сўрашганлигини, у уларга йиқилиб тушганини айтганлигини, улар унга бошқа савол беришмаганлигини, ушбу жанжал вақтида унга тегишли бўлган, баҳоси 1.150.000 сўм бўлган “Realmi C11” русумли телефон йўқолиб қолганлигини, балким ушбу телефон жанжал вақтида эҳтиётсизлик сабабли тушиб қолган бўлиши мумкинлигини, телефонини айнан судланувчилар олганлигини кўрмаганлигини, ҳозирда судланувчиларга нисбатан даъвоси йўқлигини кўрсатиб, судланувчилар билан ярашиб олишганлигини айтиб, судланувчиларга нисбатан жазо тайинламасликни сўраб, кўрсатув берди.

Суд мажлисида жабрланувчи Нишанов Фаррух Фарҳодович судга, у Нуриддинов Шавкатни илгари бирга ишлагани сабабли уни яхши танишини, 2022 йил 11 сентябрь куни тушликдан сўнг Шавкат уйига келиб, оиласи билан муаммо бўлганини айтиб, уйда бир икки кун яшаб туришни сўраганлигини, у унга уйда бир икки кун яшаб туришига руҳсат берганлигини, у 11 сентябрь куни унинг уйда қолганлигини, 12 сентябрь куни тушликдан сўнг у уни олдига келиб, спиртли ичимлик ичишга “Ocean” кафесига боришга, унинг ҳисобидан ўтиришга таклиф қилганлигини, у унинг таклифига рози бўлганлигини, у иккиси пиёда “Ocean” кафесига борганлигини, улар кафега соат тахминан 15:00 ларда



етиб борганлигини, кафега кириб, ўнг томондаги охиридан битта олдинги стулга бориб ўтирганлигини шу ерда спиртли ичимликдан “разливной пиво”ни ичганлигини, соат тахминан 18:00 ларда кафега унга исми кейинчалик маълум бўлган, Бунёд ўзининг икки нафар шериги билан келиб, барнинг тўғрисидаги столга бориб, ўтиришганлигини, у спиртли ичимлик ичиб ўтирган вақтида Бунёд билан биргаликда келган, таниши Уралов Адхам акани кўриб қолганлигини, унинг олдида бориб, у билан кўришиб бир оз гаплашиб ўтирганлигини, шу вақти у Адхам акадан 10.000 сўм таксига қарзга бериб туришини сўраганлигини, у унга чўнтагидаги бор пули, 11.000 сўм берганлигини, у пулларни олганлигини, шу вақти столда улар бирга ўтирган Бунёд Адхам акага пул бермаслигини айтганлигини, Адхам ака унга “буни отаси билан мен 1 йил ишлаганман, керак бўл-са бу укамга 1.млн сўм топиб бераман”деганлигини, шунданг сўнг у Бунёд билан келиша олмай қолганлигини, шундан сўнг, у жойига келиб, ўтирганлигини, жойига ўтирганидан кейин ҳам Бунёд муга турли хил гаплар айтганлигини, у унинг олдида бир неча маротаба бормоқчи бўлганлигини, лекин нима сабабдан олдида бормоқчи бўлгани эсида йўқлигини, у уйга кетиш учун Шавкат билан ўрнидан туриб, кафедран чиқиб кетаётганида орқасидан Бунёд, Адхам ака ва қора футболка кийиб олган шериклари, ташқарига чиқиб келишганлигини, у Бунёд, Адхам акалар билан гаплашиб турганини эслашини, улар Адхам акага кетишини айтиб турганлигини, у ерда нималар бўлганини эслай олмаслигини, ўзига келган вақти юзида қаттиқ оғриқ сезганлигини, қараса, таксида кетаётганлигини, ушбу ҳолатни уйдагилар билмаслиги учун Оппартак м.ф.ўга хотинининг уйига борганлигини, уйга борган вақти уни хотини кутиб олганлигини, уйга кираётганида усти хўл ҳолатда бўлганлигини, соғлиғи ёмонлашгани сабабли турмуш ўртоғи тез тиббий ёрдам чақирганлигини, тез ёрдам машинасида шифохонага борганлигини ва шифокорлар унга биринчи ёрдам кўрсатишганлигини, кейин ИИБ ходимлари келиб, ундан бўлган ҳолат юзасидан тушунтириш хатлари олишганлигини, у Шавкатга тегишли бўлган “real mi C11” русумли телефони охириги маротаба кафедра ўтирганида столнинг устида кўрганлигини, уни ким олганини билмаслигини, ҳозирда судланувчиларга нисбатан даъвоси йўлигини кўрсатиб, судланувчилар билан ярашиб олишганлигини айтиб, судланувчиларга нисбатан жазо тайинламасликни сўраб, кўрсатув берди.

Судланувчилар Б.Турматов ва Дж.Махановларни айблари суд мажлисида ўз айбларига иқдор бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари, суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчиларнинг кўрсатувлари, ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси (и.в. 7-12), ашёвий далилларни олиш баённомаси (и.в. 23), суд-тиббий экспертизасининг хулосаси (и.в. 29-35) ҳамда жиноят ишида тўпланган ҳужжатлар мажмуи билан ўз исботини тўлиқ топган.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчилар Б.Турматов ва Дж.Махановнинг безорилик, яъни бир гуруҳ шахслар томонидан жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимаслик, уриш-дўшпослаш, баданга ўртача шикаст етказишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7, 8-моддаларида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини



олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши лозимлиги назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 28-бандида, судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлигига, жиноят қонунининг асосий тамойилларидан бири инсонпарварлик тамойили эканлигига ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланиши кераклигига қаратилиши, ушбу принципга биноан жазолашдан кўзланган мақсадга энгилроқ чора қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкинлиги, судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, етказилган зарар миқдори ва хусусияти, шахси, унинг жавобгарлигини энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари кераклиги ва булардан келиб чиқиб, судланувчининг жавобгарлиги даражаси хусусиятига қандай ҳолатлар таъсир этганлиги, унинг шахсини тавсифловчи суд муҳокамасида тасдиқланган ва ЖК 54-моддасига биноан жазо тайинлашда суд томонидан ҳисобга олинган бошқа ҳолатларни ҳукмда кўрсатиб ўтиши лозимлиги;

2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида, ЖКнинг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги; 5-бандида судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари керак; 11-бандида, суд биринчи марта жиноят содир этган шахсга қонун санкцияси доирасида энгилроқ жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиши лозимлиги; тайинланган жазо жиноятнинг оғирлиги ва маҳкумнинг шахсига мутаносиблиги синчиклаб текширилиши лозимлиги, суднинг содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, етказилган зарар миқдори, айбланувчининг шахси, жазони энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар, айблов ҳажми, айб шакли ҳақидаги хулосалари нотўғри деб топилган ва шу муносабат билан ҳукмга ўзгартиришлар киритилган тақдирда, апелляция ва кассация инстанцияси суди ўз қарорини асослантирган ҳолда маҳкумга нисбатан тайинланган жазони энгиллаштириш масаласини муҳокама қилиши шартлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.



Суд, юқоридаги Қонун ва Пленум Қарорлари талабларига амал қилиб, судланувчи Б.Турматовга нисбатан жазо тури ва меъёрини тайинлашда содир этган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиш билан бирга, унинг айбига иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, жиноят содир этилганидан кейинги хулқ-атворини, шахсини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий шароитини, икки нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи бошқа барча ҳолатларини инобатга олиб, қонунийлик, инсонпарварлик принципларига қатъий амал қилган ҳолда у айбли деб топилган модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни ва ЖКнинг 72-моддасига асосан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали ахлоқан тузатиш мумкин деган қатъий фикрга келиб, жазони шартли деб ҳисоблаб, синов муддати белгилашни лозим топади.

Судланувчи Дж.Махановга нисбатан жазо тури ва меъёрини тайинлашда содир этган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиш билан бирга, унинг айбига иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, жиноят содир этилганидан кейинги хулқ-атворини, шахсини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий шароитини, икки нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи бошқа барча ҳолатларини инобатга олиб, қонунийлик, инсонпарварлик принципларига қатъий амал қилган ҳолда у айбли деб топилган модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни ва ЖКнинг 72-моддасига асосан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали ахлоқан тузатиш мумкин деган қатъий фикрга келиб, жазони шартли деб ҳисоблаб, синов муддати белгилашни лозим топади;

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 453-457, 463, 465-468, 473-моддаларига асосан суд

#### Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Турматов Бунёд Толопчинович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “а,б” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Турматов Бунёд Толопчиновичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан 2 (икки) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Турматов Бунёд Толопчиновичга нисбатан тайинланган жазо Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-моддасига асосан шартли ҳисобланиб, 1 (бир) йил синов муддати белгилансин.

Синов муддати ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Б.Турматовнинг яшаш жойи ўзгарса, ушбу ҳақда унинг хулқи устидан назорат олиб боровчи ИИБга хабар бериб туриш мажбурияти юклатилсин.

Б.Турматовга синов муддати давомида унга юклатилган мажбуриятларни бажармаса ёхуд жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун унга маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилган бўлса жазонинг



шартлилиги бекор қилиниб, ҳукмда тайинланган жазони ўташ мумкинлиги тушунтирилсин.

Б.Турматовнинг хулқи устидан назорат олиб бориш ва ҳукм ижросини таъминлаш Тошкент вилояти Ангрен шаҳар ИИБ Пробаця гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Судланувчи Б.Турматовга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин ва гаров тариқасида Тошкент вилоят ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармасининг 21506000200447886012, МФО 00014, ИНН 200541951 рақамли Тошкент шаҳар Марказий банк ХККМнинг депозит ҳисоби рақамига қўйилган 6.000.000 (олти миллион) сўм пул маблағлари Турматов Бунёд Толопчоновичга қайтарилсин.

Маханов Джалолиддин Камилбаевич Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “а,б” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Маханов Джалолиддин Камилбаевичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан 2 (икки) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Маханов Джалолиддин Камилбаевичга нисбатан тайинланган жазо Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-моддасига асосан шартли ҳисобланиб, 1 (бир) йил синов муддати белгилансин.

Синов муддати ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Дж.Махановнинг яшаш жойи ўзгарса, ушбу ҳақда унинг хулқи устидан назорат олиб борувчи ИИБга хабар бериб туриш мажбурияти юклатилсин.

Дж.Махановга синов муддати давомида унга юклатилган мажбуриятларни бажармаса ёхуд жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун унга маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилган бўлса жазонинг шартлилиги бекор қилиниб, ҳукмда тайинланган жазони ўташ мумкинлиги тушунтирилсин.

Дж.Махановнинг хулқи устидан назорат олиб бориш ва ҳукм ижросини таъминлаш Тошкент вилояти Ангрен шаҳар ИИБ Пробаця гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Судланувчи Дж.Махановга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин ва гаров тариқасида Тошкент вилоят ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармасининг 21506000200447886012, МФО 00014, ИНН 200541951 рақамли Тошкент шаҳар Марказий банк ХККМнинг депозит ҳисоби рақамига қўйилган 6.000.000 (олти миллион) сўм пул маблағлари Маханов Джалолиддин Камилбаевичга қайтарилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган воқеа жойида ходиса ёзиб олинган бир дона ДВД диск жиноят иши ҳужжатларида сақлансин.

Жабрланувчиларга жиноят натижасида етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарларни ундириш масаласида асосли ҳужжатларни илова қилган ҳолда фукаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма суткалик муддат ичида, маҳкумлар ва жабрланувчи эса ҳукм нусхасини олгандан сўнг шу муддат ичида шу суд орқали Тошкент вилоят судининг



жиноят судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят, прокурор эса протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи:

имзо

Б.Эсанбаев

Аслига тўғри:

Ҳужжат имзоланган: Эсанбаев Баҳром Бахтиярович, 10.01.2023

